

Рустам Закирович Райимжанов,
Ўзбекистон Миллий университети
Иқтисодий ва ижтимоий география
кафедраси катта ўқитувчиси, г.ф.н.

Эрназаров Шукрулла Эшбой ўғли,
Ўзбекистон Миллий университети
Иқтисодий ва ижтимоий география
кафедраси ўқитувчию

ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Аннотация. Уибу мақолада ривожланган давлатларда ўтган асринг 80-90 ишларида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга келтириши, бунда асосан иқтисодий разбатлантириши чора-тадбирлари орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: тартибга келтириши, минтақавий сиёсат, суст ривожланган район, қолоқ район, депрессив район, саноат корхонаси, имтиёз, дастур.

Рустам Закирович Райимжанов,
Национальный университет Узбекистана
Экономическая и социальная география
старший преподаватель кафедры, к.г.н.

Эрназаров Шукрулла Эшбой ўғли,
Национальный университет Узбекистана
Экономическая и социальная география
преподаватель кафедры

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ТЕРРИТОРИЙ

Аннотация. В данной статье рассматривается зарубежный опыт развитых стран регулирование со стороны государства социально-экономического развития регионов в 80-90-х годах прошлого века, в основном он касался таких вопросов, как поддержка предпринимательства посредством мер экономического стимулирования.

Ключевые слова: регулирование, региональная политика, слаборазвитый район, отсталый район, депрессивный район, промышленное предприятие, льгота, программа.

FOREIGN EXPERIENCE OF STATE REGULATION OF SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF TERRITORIES

Abstract. This article examines the foreign experience of developed countries in state regulation of socio-economic development of regions in the 80-90s of the last century, mainly concerned with issues such as supporting entrepreneurship through economic incentive measures.

Key words: regulation, regional policy, underdeveloped region, backward region, depressed region, industrial enterprise, benefit, program.

Ишлаб чиқарувчи кучларни ҳудудий ташкил этиш ва жойлаштириш, хўжаликни ҳудудий ташкил этишни такомиллаштириш масалалари бутун

дунёда долзарб ҳисобланади. Ижтимоий-иктисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланган мамлакатлар ўз вақтида ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш масалаларига катта эътибор билан қараганлар. Улар биринчи навбатда ҳудудларда таркиб топган ижтимоий-иктисодий жиҳатдан суст ривожланган, қолоқ, депрессив ва муаммоли районларни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқдилар ва катта ютуқларга эриша олдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг ушбу йўналишларда босиб ўтган тажрибаларини ўрганиб чиқиб мамлакатимиизда амалга оширилаётган ҳудудий иқтисодий ислоҳатлар доирасида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ривожланган давлатларда ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини тартибга келтиришда асосан иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирлари кенг қўлланилади. Қолоқ ва депрессив минтақаларда ёки қайта ўзлаштирилаётган ҳудудларда саноатни жойлаштиришни иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирлари асосан икки хил қўринишда амалга оширилади. Булар билвосита ва бевосита иқтисодий рағбатлантириш усулларидир.

Қолоқ, депрессив ва қайта ўзлаштирилаётган районларда саноатни жойлаштиришни билвосита иқтисодий рағбатлар шаклларига: мана шу районларда ўзининг корхоналарини қураётган компаниялар ва тадбиркорларга кредит ва субсидияларнинг имтиёзли тизими, саноат ривожи учун қайтарилимайдиган ссуда бериш, ишчиларни техник ўқитиш учун маблағ ажратиш, корхоналарни кўчириш учун кетган ҳаражатларни маълум қисмини қоплаб бериш, солиқ имтиёзлари, саноат корхонасининг қурилиши якунлангандан сўнг маълум вақтгача солиқлардан озод этиш, электроэнергия, ер, сув ва транспорт учун камайтирилган нарх ва тарифларни белгилаш ва бошқа молиявий тадбирларни киритиш мумкин.

Кредит ва субсидия ажратишнинг имтиёзли тизими турли қўринишда амалга оширилади: кредитлар жуда кам фоизларда, узоқ муддатларга ва чегараланмаган хажмларда берилиши мумкин. Масалан, Германияда суст ривожланган районларда ўз корхонасини жойлаштироқчи бўлган

компанияларга 1980-1990 йилларда амалдаги 6 фоизли кредитлар ўрнига 5 фоизли кредитлар берилган.

Шу билан бирга жойлаштирилаётган саноат тармоғига боғлиқ ҳолда кредит фоизлари ва муддатлари турлича белгиланган. Масалан, қурилиш саноати корхоналарига ссудалар 15 йилга 3,5 фоиз тўлов мажбурияти билан берилган. Францияда Париж районидан суст ривожланган районларга ўзининг корхоналарини кўчирмоқчи бўлган компанияларга маҳсус ижтимоий-иктисодий ривожланиш фонди томонидан узоқ муддатларга 6 фоизли ссудалар берилган.

Айрим давлатларда саноатнинг ривожланиши муаммолари кескин бўлган районларда ўзининг саноат корхоналарини қурмоқчи ва кенгайтирмоқчи бўлган компаниялар ёки тадбиркорларга дотациялар берилади. Масалан, Францияда мамлакатнинг жануби-ғарбий қисмидаги районларда янги қурилаётган корхона учун дотация компания инвестицион ҳаражатларнинг 25 фоизини, мавжуд корхонанинг кенгайтирилиши учун 15 фоизини ташкил этади; ғарбий қисмидаги районларда янги қурилаётган корхона учун дотация 15 фоизни, мавжуд корхонанинг кенгайтирилиши учун 6 фоизни ташкил этади.

Бундан ташқари айрим давлатларда децентрализация жараёнида иштирок этаётган тадбиркорларга субсидиялар ҳам берилган. Масалан, Японияда аҳолиси ўта зич шаҳар агломерацияларидаги саноат корхоналарини марказдан кўчириш мақсадида давлат томонидан кўчишга рози бўлган корхоналарга субсидиялар ажратилган. Франция хукумати децентрализацияни қўллаб-куватлаш мақсадида суст ривожланган районларга корхоналарни кўчиришга кетган ҳаражатларнинг маълум қисмини (60 фоизгача) ўз бўйнига олган.

Солиқларнинг камайтирилиши ёки маълум вақтгача улардан озод этиш ривожланган давлатларда саноатни жойлаштиришни давлат томонидан тартибга келтиришда кенг тарқалган усуллардан ҳисобланади. Францияда

жуда суст ривожланган районларда қурилаётган корхоналар савдо-саноат патентини сотиб олиши учун бўлган солиқлардан озод этилган, ҳамда худудларни қайта тиклаш дастурига мос равишда қурилаётган ёки кенгайтирилаётган саноат корхоналари департамент ва муниципалитетларнинг розилиги билан 5 йилгача янги патентлардан фойдаланиши учун тўловлардан халос этилган. АҚШнинг жанубий штатларида даромад солиги шимолий ривожланган штатларга қараганда 1/3 га қисқартирилган. Канадада ривожланиш районларида янги корхоналар уч йилгача даромад солиғидан озод этилган ва маҳаллий шароитларга боғлиқ ҳолда узоқ муддатларга мол-мулк солиги қисқартирилган. Канаданинг шимолидаги кон саноати корхоналари қурилишнинг якунланиши билан 3 йил давомида фойдали қазилмаларни қазиб олишлари учун ижара ҳақларидан озод этилган. 1967 ва 1968 йиллардаги қонунларга биноан Италияning жанубида қурилган янги саноат ва савдо корхоналари бутунлай солиқлардан озод этилиши кўзда тутилган. Ушбу қурилган янги корхоналар учун четдан келтириладиган жиҳозларга камайтирилган бож солиқлари белгиланган. Ирландияда ёрдам берилаётган районларда қурилаётган завод бинолари икки йилга ижарадан халос этилган, маҳсус районларда эса беш йилгача.

Қолоқ, депрессив районларга ва қайта ўзлаштирилаётган худудларга хусусий капитални жалб қилиш мақсадида электроэнергия, саноат сувлари ва ерлари учун ривожланган районларга нисбатан анча паст нархларни ҳамда анча паст транспорт тарифларини жорий қилишган.

Ривожлантирилиши лозим бўлган районларда саноатни жойлаштиришда давлат томонидан бевосита таъсир усуслариiga қўйидагилар киритилади: давлат маблағлари ҳисобига инфраструктурани яратиш ва такомиллаштириш, қолоқ районлар ривожланишининг маҳсус хукумат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш, давлат корхоналарининг қурилиши, ривожланиш районларида жойлашган хусусий корхона ва йирик компанияларга йирик давлат буюртмалари ва хоказо.

Бу усулларнинг ичидаги қолоқ районлар ва қайта ўзлаштираётган худудларда иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмани яратиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Инфратузилмани яратиш асосан давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилганлиги учун ҳам инфратузилма ишоотларининг қурилиши компаниялар, фирмалар ва хусусий тадбиркорларнинг ривожлантириш кўзда тутилган районларда янги корхоналар қуришлари ёки бу районга саноати ўта зич районлардан эски корхоналарни кўчириб келтиришлари учун қулай иқтисодий шароитлар яратади.

Муаммоли районларга хусусий саноат капиталини жалб этиш муҳим ҳисобланади. Минтақавий сиёсатнинг бу йуналиши ривожланган давлатларда энг кўп қўлланилади. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо 18 та мамлакат бўйича тўпланган маълумотлар шуни кўрсатадики, 1980 йилларда энг кенг тарқалган рағбатлантирувчи воситалар сифатида куйидагилар намоён бўлади:

- саноат бинолари учун инвестиция пуллари (14 та мамлакатда);
- ускуна ва жихозлар учун инвестиция пуллари (13 та мамлакатда);
- ссуда учун кафолат (15 та мамлакатда);
- ер ва саноат майдонлари сотиб олиш учун ёрдам (15 та мамлакатда);
- ишчи кучларининг малакасини ошириш учун ёрдам (13 та мамлакатда);
- имтиёзли (14 та мамлакатда) ва бозор фоизларида (9 та мамлакатда) қарз бериш;
- турли солиқ имтиёзлари (12 та мамлакатда);
- сармояларга ёрдам (11 та мамлакатда);
- саноат биноларини қуришга ёрдам (10 та мамлакатда).

Бундан ташқари айрим давлатларда рағбатлантиришнинг бошқа турлари ҳам қўлланилган:

- ижтимоий таъминот учун субсидиялар (ёрдам пули) (3 та мамлакатда);

- ишчи кучига бериладиган субсидиялар (6 та мамлакатда);
- фойда солиғи имтиёзлари (6 та мамлакатда);
- эксплуатация харажатларига ёрдам ва бошқалар.

Саноатни ривожлантиришга ажратиладиган ёрдамнинг кўлами ва шартлари нафакат давлатлар ва районлар бўйича, балки ушбу ёрдамларнинг турлари бўйича ҳам фарқланади.

Буюк Британияда 1980 йилларнинг бошларида маҳсус ривожланиш районларидаги саноат биноларини қуриш учун жами инвестициянинг 22 фоизи, ривожланиш районлари ва оралиқ районларда эса 20 фоизни ташкил этган. Шимолий Ирландияда эса саноат ривожланиши ва жиҳозларга ажратилган мукофотлар 30 фоиздан 50 фоизгacha бўлган. Ёрдам берилаётган районларда қурилаётган завод бинолари 2 йилга ижарадан халос этилган, маҳсус районларда эса 5 йилгача. Ёрдам олаётган районлардан қўчириш ва қайта жиҳозлаш ишларининг 80 фоизига компенсация берилган.

Иш жойи билан кўчиб ўтган ҳар бир ишчига маълум даражада субсидиялар берилган. Маҳсус районларда ҳар бир иш жойига субсидиялар 1500 фунт стерлингни, ривожланиш районларида эса 1000 фунт стерлингни ташкил этади. Ижарага ажратилган субсидиялар маҳсус ривожланиш районларида 7 йил ичida, ривожланиш районларида 5 йил давомида, оралиқ, районларда 3 йил давомида қайтарилиши лозим бўлган.

Буюк Британияда субсидиялар лозим зонада амалга оширилаётган дастурлар учун инвестицион ҳаражатлар исботланган ҳолдагина берилади. Фоизга бериладиган ссудалар корхонанинг ҳаражатлари ва эришган натижаларига боғлиқ бўлади. Одатда инвестицион сумманинг 1/3 қисми ишлатилиши билан биринчи қарз тўланади ва сўнгги тўловлар олти йил давомида амалга оширилади. Майший хизмат соҳасида иш жойига субсидиялар йил бошида ажратилади, ижара ҳақки эса унга тегишли хужжатларнинг тасдиқланганидан сўнг дастлабки олти ой ичida тўланади.

Швецияда субсидиялар қурилиш учун 35 фоиздан 65 фоизгacha ташкил қиласи. Бино ва жиҳозларга ажратиладиган қарз умумий инвестициянинг

2/3 қисмидан ошмайди. Кўрсатилаётган ёрдам ҳокимият томонидан ўтказилган текширувдан сўнг бошланади.

Японияда саноат ва инфратузилмани ташкил этишда иштирок этаётган хусусий саноат компаниялари инфратузилма объектига сарфлаган ҳаражатининг 1/4 қисмини ёрдам сифатида олади. Асосан бу ёрдам имтиёзли кредит кўринишида акс этади. Муаммоли районларга корхоналарни кўчиришни рағбатлантиришнинг бошқа йўллари солиқни камайтириш, амортизацияни тезлаштириш, имтиёзли кредитлар бериш ва давлат корхоналарининг жиҳозларини ижарага беришда намоён бўлади.

Минтақавий сиёsatнинг янги йўалиш олиши билан боғлиқ ҳолда 80-йилларнинг бошларида кўпгина ривожланган капиталистик давлатларда ҳудудий рағбатлантириш тизимида ўзгаришлар рўй берди. Жуда катта ўзгаришлар Францияда намоён бўлди. Жумладан, бу ерда 1982 йилдан бошлаб 6 та мукофот ўрнига 2 та қўлланила бошланди: ҳудуд шароитини яхшилаш ва ишсизлик билан курашиш.

Бошқа ҳудудий рағбатлардан солиқ имтиёzlари, амортизацияга камайтирилган нархлар, кўчмас мулкка солиқ кабилар ўз кучини сақлаб қолган.

1984 йилдан Буюк Британияда ҳудудий сиёsat учта район ўрнига иккита районга қаратилади: ривожланиш районлари ҳудудий ривожланиш субсидияларини олиш хуқуқига эга. Ҳудудий субсидияларни олишнинг муҳим шартларидан бири 10 минг фунт стерлингга эга бўлган 200 ўринли иш жойини яратишdir. Селектив ёрдамнинг ушбу кўриниши аҳоли ишсизлиги билан курашишга қаратилган.

1980 йилдан бошлаб Японида ёрдамга муҳтоҷ районларда янги корхоналарни қуриш ва мавжуд корхоналарни кўчиришни рағбатлантиришнинг янги тизимлари пайдо бўлди. Бу янги тизимга кўра иш жойи кўпайиши шарти билан корхоналар янги сотиб олган жиҳозлар учун умумий солиқ суммасининг 10 фоизини тўлайди. Бу районларда янгидан қурилган корхоналар учун йилига 6,5 фоизли имтиёзли кредитлар тақдим

этилган. Кредит операциялари Япония ривожланиш банки ва йирик корпорациялар томонидан амалга оширилган.

Шундай қилиб ривожланган капиталистик давлатлардаги мінтақавий сиёсатнинг йуналишлари қайта тақсимлаш хусусиятига ва инвестицияларни жойлаштиришни ўзгартыриш мақсадларига эга. Бу мақсадға фақатгина худудлараро халқ хұжалиги тармоқларини бир мөйерда ривожланиши ва муаммоли районларда янги корхона ва фирмаларнинг ўрнашишига молиявий имтиёзлар бериліши натижасыда әришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Государственное регулирование размещения производительных сил в капиталистических и развивающихся стран. Москва, "Мысль" 1980г. - 424стр.
2. Ларина Н.И., Кисельков А.А. Региональная политика в странах рыночной экономики. Москва, "Экономика", 1998г., -172стр.
3. Региональное развитие в капиталистических странах в условиях научно-технического прогресса: научно аналитический обзор. Москва, "ИНИОН", 1989г., -39 стр.
4. Региональные исследования за рубежом. Москва, «Наука», 1973г., -462 стр.
5. Социально-экономическое развитие территорий в условиях нового экономического механизма. Сборник статей. Москва, ЦЕМИ, 1989г., -215 стр.
6. Управление экономикой региона в новых условиях хозяйствования. Сборник научных трудов. Новосибирск, 1991г., -148стр.